

Буюк тобеъиннинг иффати



09:00 / 12.08.2023 3120

Динимиз – Ислом насл-насабни пок сақлаш, шарму-ҳаё, бировга нопок назар билан боқмаслик каби гўзал маънавий ахлоқ ва одобларга чорлайди. Бугунги фаровон ҳаётимизда баъзи оилаларни ажрашаётгани ва бунга сабаб сифатида ноҳуш ҳолатлар хиёнат, бевафолик каби иллатлар кўрсатилаётганини гувоҳи бўлиб қоляпмиз. Ваҳоланки, бу иллатлар миллий қадриятларимиз ва диний аҳкомларимиз томонидан қаттиқ қораланади. Юртимизда асрлар оша халқимиз оилаларида «Оила муқаддасдир», «Вафоли ёр», «Оилавий бахт – олий бахт» «Оила тинч – юрт тинч» каби пурмаъно ҳикматлар ўз ифодасини тўлалигича топиб келган. Ҳозирги кунда юртимизда ажралишлар сони кўпайиб бораётгани ва бунга баъзи ҳолларда юқоридаги иллатлар сабаб бўлаётгани жуда ҳам ачинарли ҳолдир.

Аллоҳ таоло эркак ва аёл ўртасида бўладиган муомалаларни нақадар

хоҳлаган нарсасини олишни истарди. Шунда Ато йиғлашни бошлади ва «Ҳолинга вой бўлсин. Мени тинч қўй, менга яқинлашма», деди ва йиғиси янада кучайди. У аёл Атодаги йиғи ва қайғуни кўргандан кейин ўзи ҳам йиғлаб юборди. Шу ҳолат устига Сулаймон ибн Ясор ишларини битириб қайтиб келиб қолди. Сулаймон Атони йиғлаб ўтирганини, аёл эса хонанинг бошқа бир четида йиғлаб ўтирганини кўрганида нимага кўз ёши тўқаётганларини билмасада у ҳам йиғлаб юборди. Ато ва Сулаймоннинг дўстлари бирма-бир ишларини битириб кела бошлашди. Уларнинг ҳар бири келиб хонадагиларнинг йиғлаётганини кўриб йиғлаб юборар, нега йиғлашаётганини сўрамас эдилар. Токи хона йиғига тўлди ва йиғи овози кўтарилиб кетди. Бу ҳолатни кўрган аёл ўрнидан турди ва хонадан чиқиб кетди. Шундан сўнг, Сулаймон акаси Атони ҳурмати сабаб нима воқеа бўлганини сўраб ўтирмади. Бир қанча муддатдан сўнг бир куни Ато тунда уйқудан йиғлаб уйғониб кетди.

- Сулаймон: «Акажон, нимага йиғлаяпсиз?», деди.
- Ато: «Кўрган тушим мени йиғлатди. Токи тирик эканман ҳеч кимга айтмаслигинг шарт билан сенга тушимни айтиб бераман», деди.
- Сулаймон: «Ваъда бераман», деди.
- Ато: «Тушимда Юсуф алайҳиссаломни кўрдим. У зотга назар солиш учун яқинлашдим. У зотнинг гўзалликларини гувоҳи бўлганимдан сўнг йиғлаб юбордим. У киши одамларни орасида турганимда менга қараб:
 - «Ҳой, нимага йиғлаяпсан?», дедилар.
 - Ато: «Эй, Аллоҳнинг пайғамбари! Отам ва онам сизга фидо бўлсин. Сиз ва Азизнинг аёли, у аёлдан кўрган қанчадан-қанча балоларингиз, зиндонда кўрган қийинчиликларингиз, қария отангиз Ёқуб алайҳиссаломдан ажралишингизни ҳаммасини эслаб, бу қийинчилик ва мусибатларга қандай дош берганингизга ажабланиб йиғлаб юбордим», деди.
 - Юсуф алайҳиссалом: «Саҳролик гўзал аёл билан бўлган Абводаги воқеаданчи, ундан ажабланмайсанми?», дедилар. Шунда йиғлаб юбордим ва уйқудан уйғониб кетдим. Шунда Сулаймон: «Эй, акажон! Абводаги ўша саҳролик гўзал аёлнинг воқеаси нима эди?», деб сўради. Ато унга ҳаммасини айтиб берди. Сулаймон токи Ато вафот этгунига қадар ҳеч кимга бу воқеани айтиб бермади. У оламдан ўтгандан кейин эса унинг оиласидаги бир аёлга сўзлаб берди.

Аллоҳ таоло юртимизни тинч, оилаларимизни мустаҳкам ва саодатли бўлишини насиб этсин!

Жалолiddин домла Ҳамроқулов